

Итох: 1. Ўқув режасидаги ўқув модулларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъати қарорлари, вазирлик буйруқлари асосида киритилиб ўқитиладиган мавзулар ўз аксини топиши керак.

2. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасида кўрсатилган модулларнинг соатлар миқдори талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

3. Маъруза соатларининг ҳажми умумий аудитория юкласининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

4. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида давра суҳбати, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ҳамда бошқа интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

5. Кўчма машғулотлар олий таълим муассасаларида, илмий ва ишлаб чиқариш корхоналарида, тегишли вазирликлар ва марказларда амалга оширилади.

6. Мустақил таълим модул ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилган топшириқлар асосида, ажратилган соатлар ҳажмига кўра ўқув ишланмалар шаклида амалга оширилади.

7. Педагогик амалиёт тегишли кафедраларда очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларни муҳокама қилиш ва танқидий таҳлил этиш кўринишида ташкил этилади.

8. Тингловчилар билим, кўникма ва малакаларининг малакавий аттестацияси on line тест синовлари ва битирув иши ҳимояси асосида амалга оширилади.

9. Битирув иши тингловчилар томонидан тайёрланади ва курс якунида ҳимоя қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқуланган.

2015 йил «16» 04 даги 4 -сонли баяннома.

Олий таълим муассасалари Бош
бошқармаси бошлиғи



И.У.Мажидов

Бош илмий-методик марказ директори

У.Ш.Бегимкулов

Тошкент архитектура қурилиш
институтини ректори

Т.А.Низомов

ТАҚИ ҳузуринда ПҚК ва МҚ тирмок
маркази директори

Д.Х.Мирбабаева

